

“Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришда рақамли ҳамда инновацион технологиялардан фойдаланиш имкониятлари” ХИАК материаллари

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР
ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

ТАМБОВ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**ТОМСК ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ИҚТИСОДИЁТ ВА МЕНЕЖМЕНТ
ИНСТИТУТИ**

ШИМОЛИЙ КАВКАЗ ФЕДЕРАЛ УНИВЕРСИТЕТИ

САНКТ-ПЕТЕРБУРГ ПОЛИТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ОЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ МАКТАБИ

ҚАРШИ МУХАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

«ИПАК ЙЎЛИ» ТУРИЗМ ВА МАДАНИЙ МЕРОС ХАЛҚАРО УНИВЕРСИТЕТИ

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ САМАРҚАНД
ФИЛИАЛИ**

**«ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ
ҚИСҚАРТИРИШДА РАҚАМЛИ ҲАМДА
ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН
ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ»
(IV ҚИСМ)**

2023 йил 20-22 май кунлари

САМАРҚАНД – 2023

**МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ, НАУКИ И ИННОВАЦИЙ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

САМАРКАНДСКИЙ ИНСТИТУТ ЭКОНОМИКИ И СЕРВИСА

ТАМБОВСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

**ИНСТИТУТ ЭКОНОМИКИ И МЕНЕДЖМЕНТА ТОМСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**

СЕВЕРО-КАВКАЗСКИЙ ФЕДЕРАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

САНКТ-ПЕТЕРБУРГСКИЙ ПОЛИТЕХНИЧЕСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ «ВЫСШАЯ
ШКОЛА ЭКОНОМИКИ» РОССИЙСКОЙ ФЕДЕРАЦИИ**

КАРШИНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ЭКОНОМИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ ТУРИЗМА И КУЛЬТУРНОГО
НАСЛЕДИЯ «ШЕЛКОВЫЙ ПУТЬ»**

**САМАРКАНДСКИЙ ФИЛИАЛ ТАШКЕНТСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО
ЭКОНОМИЧЕСКОГО УНИВЕРСИТЕТА**

**“ВОЗМОЖНОСТИ ПРИМЕНЕНИЯ
ИННОВАЦИОННЫХ И ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ
В РАЗВИТИИ СФЕРЫ УСЛУГ И СОКРАЩЕНИИ
БЕДНОСТИ”
(ЧАСТЬ IV)**

(20-22 мая 2023 г.)

САМАРКАНД– 2023

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришда рақамли ҳамда инновацион технологиялардан фойдаланиш имкониятлари. / Халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари (II қисм). 2023 йил 20-22 май кунлари. Самарқанд, СамИСИ, 2023. – 272 бет.

Нашр учун масъул:

М.Қ.Пардаев – иқтисод фанлари доктори, профессор

Таҳририят кенгаши раҳбари:

М.Э.Пўлатов – иқтисод фанлари доктори, профессор

Таҳририят кенгаши аъзолари:

М.М.Мухаммедов – иқтисод фанлари доктори, профессор,

Ж.Р.Зайналов – иқтисод фанлари доктори, профессор,

И.С.Тухлиев – иқтисод фанлари доктори, профессор,

О.Муртазаев – иқтисод фанлари доктори, профессор,

Р.Х.Эргашев – иқтисод фанлари доктори, профессор,

В.И.Абдукаримов – иқтисод фанлари доктори, профессор,

Н.А.Ибрагимов – иқтисод фанлари доктори, профессор,

К.Б.Уразов – иқтисод фанлари доктори, профессор,

Қ.Ж.Мирзаев – иқтисод фанлари доктори, профессор,

А.Эштаев – иқтисод фанлари доктори, профессор,

С.Н.Ташназаров – иқтисод фанлари доктори, профессор,

А.Н.Холиқулов – иқтисод фанлари номзоди, доцент,

Д.Х.Холмаматов – иқтисод фанлари номзоди, доцент.

Саҳифаловчи: Фирдавс Ўроқов

Анъанавий илмий-амалий конференция материалларида рақамли ҳамда инновацион технологиялардан фойдаланиш шароитида хизмат кўрсатиш ва таълим хизматлари соҳаларини ривожлантириш муаммолари ва уларнинг ечимлари, соҳанинг алоҳида тармоқлари самарадорлигини ошириш истиқболларига оид масалалар ёритилган. Унда инновацион иқтисодий шакллантириш шароитида соҳанинг назарий ва методологик муаммолари ва уларни ҳал қилишнинг стратегик йўналишлари, хизмат кўрсатиш соҳасида аҳоли бандлиги, фаровонлиги, яшаш сифати ва даражасини ошириш масалалари, туризм соҳаси самарадорлигини ошириш механизмлари, ривожлантириш тенденциялари ва истиқболлари, менежмент ва маркетингни, инвестицияларнинг ўрни ва молиявий муносабатларни, бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил, аудит ва статистика фанларини такомиллаштириш масалалари, рақобатбардош кадрларни тайёрлашни такомиллаштириш муаммоларини ҳал қилишга қаратилган илмий-назарий ва амалий тавсияларга бой мақола ва тезислар ўрин олган.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртлиги профессор-ўқитувчилари, талабалари, магистрлар, таянч докторантлар, докторантурада таҳсил олувчилар, мустақил изланувчилар ва соҳа мутахассисларига мўлжалланган.

Мақолалар муаллифлар таҳририда босилмоқда. Уларда келтирилган рақамлар, фактлар, хулоса ва тавсияларга муаллифлар масъул. Уларнинг айрим фикрлари ташкилий гуруҳ қарашларига тўғри келмаслиги мумкин.

2017-2018 йилларда қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлайдиган технологияларни жорий этиш прогноз кўрсаткичлари, жумладан, келгуси икки йилда Нукус шаҳри ва барча вилоятлар марказларида чиқиндиларни қайта ишлаш корхоналарини куриш кўзда тутилиб, мазкур лойиҳаларга 27 миллион АҚШ долларида зиёд маблағ йўналтирилган. Ана шу комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш орқали аҳолининг кенг қатламлари учун янада қулай ижтимоий шароитлар яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “Республика аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 10.01.2013 йилдаги 4-сон Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.08.2017 йилдаги ПҚ-3182-сонли Қарори, Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида. <https://lex.uz/docs/3302438>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга МУРОЖААТНОМАСИ. (2020 йил 24 январь). [https://nrm.uz/contentf?doc=612868_o%E2%80%98zbekiston_respublikasi_prezidenti_shavkat_mirzиеevning_oliy_majlisga_murojaatnomasi_\(2020_yil_24_yanvar\)](https://nrm.uz/contentf?doc=612868_o%E2%80%98zbekiston_respublikasi_prezidenti_shavkat_mirzиеevning_oliy_majlisga_murojaatnomasi_(2020_yil_24_yanvar))
4. Б.А. Ходжаев (раис), А.Р. Тохтаев, Ш.Т. Шоназаров, Х.Х. Очилов. “Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари худудларини ривожлантириш ва курилишини режалаштириш” / Ўзбекистон Республикаси Давлат Архитектура ва курилиш қўмитаси – Тошкент, 2009-177 б.
5. Хмельченко, Е.Г. Роль управления благоустройством территории в формировании имиджа города / Е.Г. Хмельченко, К.И. Заиц // Вестник университета. – 2017. – № 4. – С. 38–42.
6. Коньшева, Л.А. Благоустройство территории муниципального образования как метод повышения качества жизни населения / Л.А. Коньшева // Фундаментальные и прикладные исследования: проблемы и результаты: материалы Международной конференции. – 2017. – С. 552–556.

Дилманов Қудратжон Бахтиёрович – Бухора Давлат Университети ўқитувчиси, мустақил тадқиқотчи

ИНСОН САЛОҲИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Калит сўзлар: мақола инсон салоҳиятини ўзига хос хусусиятларига бағишланган бўлиб, унда салоҳият, капитал, инсон салоҳияти, инсон капитали, ишчи кучи, интеллектуал капитал, инсон ресурслари каби

тушунчаларнинг мазмунига ҳам тўхталиб, уларга нисбатан инсон салоҳиятининг ўзига хос хусусиятлари очиқ берилган.

Ключевые слова: статья посвящена специфическим чертам человеческого потенциала, речь идет о значении таких понятий, как потенциал, капитал, человеческий потенциал, человеческий капитал, рабочая сила, интеллектуальный капитал, человеческие ресурсы и взаимосвязи со специфическим чертами человеческого потенциала. слово идет. раскрываются их особенности.

Keywords: the article is dedicated to the specific characteristics of human potential, it also touches on the content of concepts such as potential, capital, human potential, human capital, labor force, intellectual capital, human resources, and the specific characteristics of human potential in relation to them features are revealed.

Аннотация: салоҳият, капитал, инсон салоҳияти, инсон капитали, ишчи кучи, интеллектуал капитал, инсон ресурслари, маданий капитал, ижтимоий капитал

Аннотация: потенциал, капитал, человеческий потенциал, человеческий капитал, рабочая сила, интеллектуальный капитал, человеческие ресурсы, культурный капитал, социальный капитал

Annotation: potential, capital, human potential, human capital, labor force, intellectual capital, human resources, cultural capital, social capital

Кириш. Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида: “Биз бундан уч йил олдин мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтариш мақсадида буюк ишларни бошлаганмиз. Халқимизнинг ақл-заковати, куч-қудрати ва салоҳиятига таяниб (*таъкид бизники – Қ.Д.*), биз бу йўлда дастлабки, лекин ўта муҳим ва салмоқли натижаларга эришмоқдамиз. Энди ана шу ютуқларимизни мустаҳкамлаб, янада дадил ва улкан қадамлар ташлашимиз шарт. Чунки юртимиздаги ислоҳот ва ўзгаришлар жараёни ортга қайтмайдиган тус олиб, ҳал қилувчи паллага кирмоқда”⁴⁴, деб таъкидланган эди. Ушбу масала вақт ўтиши билан кун тартибидан тушган эмас. Балки унинг аҳамияти кундан-кунга ошиб бормоқда. Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига 2022 йил 20 декабрдаги навбатдаги Мурожаатномасида ҳам инсон салоҳияти ҳақида гапириб: “Ижтимоий давлат бу, энг аввало, **инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш** (*таъкид бизники – Қ.Д.*) учун тенг имкониятлар, одамлар муносиб ҳаёт кечиришига зарур шароитлар яратиш, камбағалликни қисқартириш, демакдир. Шу боис, биринчи навбатда, эътиборни Янги Ўзбекистон учун энг катта инвестиция бўлган таълимни

⁴⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил 25 январь. 19-сон. 1-4 бетлар.

қўллаб-қувватлашга қаратамиз”⁴⁵, деган фикрни қайд этди. Булардан ҳам кўриниб турибдики, инсон салоҳиятини ошириш билан боғлиқ муаммоларнинг кундан-кунга долзарблиги ошиб бормоқда.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Инсон салоҳияти билан боғлиқ масалалар дунё олимлари томонидан ўрганилиб келинмоқда. Аммо бу жойда инсон капитали, ишчи кучи, интеллектуал капитал, инсон ресурслари ва унинг мазмун-моҳияти назарий жиҳатдан олимларимиз томонидан кам тадқиқ қилинган. Буларни инобатга олиб, ушбу тушунчаларнинг мазмунини тизимли равишда қараб чиқишни объектив зарурият, деб топдик. Чунки, дунё аҳолисининг соҳаларида бандлиги, уларнинг илмий ва касбий салоҳияти бевосита аҳолининг касбий йўналишларига, таълимнинг сифати ва самарадорлигига ҳам боғлиқдир. Буларни инобатга олиб ушбу йўналишда бир қанча тадқиқотлар олиб борилмоқда. Булар жумласига А.Абдурахманов, С.С.Фуломов, Н.Арабов, М.М.Муҳаммедов, М.Қ.Пардаев, Г.М.Шодиева, О.М.Пардаева, Ш.О.Қувондиқов кабиларнинг ҳам айрим тадқиқотлари айнан ушбу муаммоларнинг ечимига қаратилган.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида инсон капитали, ишчи кучи, интеллектуал капитал, инсон ресурслари каби тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини очиб беришда мантиқий, қиёсий ва солиштирма таҳлил, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Инсон салоҳияти ва капитали тушунчаларнинг назарий масалаларига аниқлик киритиш ўта муҳим муаммолардан биридир. Чунки ҳозирги иқтисодий адабиётларда инсон салоҳияти тушунчасини инсон капитали, ишчи кучи, интеллектуал капитал, деб аташмоқда. Буларни назарий жиҳатдан таҳлил қиладиган бўлсак, қуйидаги назарий хулосаларни қилиш мумкин бўлади. Бунинг учун биринчи галда “салоҳият” ва “капитал” тушунчаларнинг изоҳига назар ташлаймиз.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “салоҳият” тушунчасига қуйидагича изоҳ берилган. Ушбу сўз араб тилидан келиб қикқан бўлиб, “(яроқликлик; ваколат, ҳукмдорлик; тўлиқ ҳокимият) қобилият, иқтидор”⁴⁶ тушунчаларни ифодалайди. Ушбу сўзнинг ишлатилиши билан боғлиқ бўлган “салоҳиятли” сўзига “салоҳиятга, катта қобилиятга эга бўлган; иқтидорли” тушунчалардан иборатлиги қайд этилган. Хуллас, салоҳият тушунчасига бадий адабиётларимизда ҳам инсонга хос тарзда ифода этилган. Жумладан ўзбек халқининг таниқли ёзувчиларидан бири Одил Ёкубов “Худованди карим бу зоти муборакка шундай салоҳият ато қилганким, тиббиёт бобида

⁴⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига 2022 йил 20 декабрдаги Мурожаатномаси. // <https://president.uz/uz/lists/view/5774>

⁴⁶ Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. 3-том. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 432 бет.

унинг билмаган илми йўқдир”⁴⁷. Демак салоҳият деганда, катта қобилиятга эга бўлган, илимли ва мос равишда иқтидорли киши тушунилади.

Ўша номи зхикр этилган луғотда “капитал” тушунчасига қуйидагича изоҳ берилган. Мазкур сўз немис тилидан келиб чиққан бўлиб, унга учта изоҳ берилган. “1. *иқтисодиёт нуқтаи назаридан* Ўзини ўзи кўпайтириш учун фойдаланиладиган, ўз эгасига фойда, даромад келтирадиган бойлик (қимматли қоғозлар, пул маблағлари моддий мол-мулк ва ш.к.). 2. Катта маблағ, кўп пул, бойлик. Капиталнинг маълум шахслар қўлида тўпланиши. 3. Кимгадир катта бойлик, қадрият ҳисобланган, муҳим аҳамиятга эга бўлган, аҳамиятга молик нарса”⁴⁸, дейилган. Кўриниб турибдики капитал инсонга ва барча жонзотларга нисбатан умуман ишлатилмаган. Шу туфайли салоҳиятли инсонни “инсон капитали”, деб аташ биров мунозарали бўлиб ҳисобланади.

“Инсон капитали” назариясини бевосита одамга қиёс қилган ҳолда унга қўйилган инвестицияларнинг миқдорини ҳисоблайди. Бу инсон капитали эмас, балки инсон салоҳиятини ошириш учун қўйилган инвестиция, деб қараш мақсадга мувофиқ. Инсон капитали тушунчасининг амалдаги назариясига кўра, одамларга қўйилган сармоялар иқтисодиётнинг ўсишига олиб келади, деган ғоя мавжуд. Бу нотўғри қараш. Инсонга қўйилган инвестиция тўғридан тўғри самара бермайди. Унга қанчалик сармоя қўйманг у ўзини ўзи сафарбар қиладиган салоҳиятга, тегишли ишларни амалга оширадиган малакага, билимга эга бўлмаса, бундай назария ўз исботини тпмаслиги мумкин.

Айрим мамлакатлар ўз халқига кўпроқ олий маълумотлиларни аҳолини етиштириб бериш учун албатта пул сарфлайди. Бу сарфлар миқдори 2,0 млрд. бўлса, инсон капиталининг қиймати шунча, деб баҳолаб бўлмайди. Бу маблағлар инсон салоҳиятини малака ва билим даражасини ошириш учун сарф қилинган, аниқроғи йўналтирилган инвестиция бўлиб ҳисобланади. Инвестициянинг миқдорини инсон капитали, деб бўлмайди. Айрим назарий қарашларда инсон капитали ўрнига “инсон ресурслари” атамаси ҳам ишлатилади. Аммо бу тушунчани ҳам инсон капиталига қиёс қилиб бўлмайди. Шунини инобатга олиш лозимки, ҳозирги шароитда барча ресурслар сотилади, аммо инсон ресурси сотилмайди ва унинг қийматини ҳам белгилаш қийин. Ҳозирги пайтда иш берувчилар ходимлани ишга, ишлатишга олади. Буни пулга сотиб олмайди, балки иш фаолияти давомида ишлагани учун иш ҳақини олади. Бу ходимнинг қиймати эмас, балки унинг меҳнати туфайли яратилган қийматнинг бир қисми халос. Агар одам малакали, илимли ва тажрибали бўлса, иш берувчиларга ҳам умуман жамиятга ҳам катта фойдаси тегади. Бу фойда инсон капиталиники эмас,

⁴⁷ Ёқубов О. Кўҳна дунё. Роман. – Т.: “Ғофур Ғулом нашриёти”, 2004.

⁴⁸ Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. 2-том. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 316 бет.

балки юқори салоҳиятига эга бўлган инсон меҳнатининг маҳсули бўлиб ҳисобланади.

Инсон капитали бўйича К.Маркснинг ўзига хос назарияси мавжуд бўлиб, у инсон капиталини "ишчи кучи" деб атайти ва ишчининг кучига инсон капитали, деган маъно беради. К.Маркс назарияси бўйича капиталистик тизимларда одамлар даромадлари, яъни иш ҳақи эвазига ўзларининг ишчи кучини сотади, деб таъкидлаганлар. Айнан шу сотилган иш кучини у инсон капитали, деб айтадилар⁴⁹. Бу ерда битта хатолик мавжуд. Сотилган капитал бир кишидан иккинчи киши ихтиёрига ўтишўи керак. Аммо фаолят кўрсатган ходим ҳам, унинг салоҳияти, яъни қобилияти ҳам ходимнинг ўзида қолади. Бунда сотиш жараёни содир бўлмайди, балки барча салоҳияти инсоннинг ўзида мужассамлигича қолади. Агар инсоннинг қобилияти, малакаси капитал бўлганда капитални, бошқа капиталлар сингари сотиш мумкин эди. Аммо одамда буни сотишнинг имкони йўқ. Бу назарий қарашлар ҳам кўрсатиб турибдики, инсон капитали эмас, инсон салоҳияти, деб аташ тўғри бўлади.

“Инсон капитали” назарияси бўйича жуда кўпчилик олимлар ўз фикрларини айтганлар. Жумладан, Адам Смит ғоясига кўра инсон капиталини "жамиятнинг барча аҳолиси ёки аъзоларининг эгаллаган ва фойдали қобилиятлари"⁵⁰, деб атаган. Смит тўланган иш ҳақидаги тафовутлар ишларни бажарган ишчиларнинг қобилиятига боғлиқлигини назарий жиҳатдан талқин қилади ва улар томонидан бажарган ишларнинг нисбатан осонлиги ёки қийинлигига асосланиб баҳолашни таклиф қилади⁵¹.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, қулдорлик даврида одамлар (қуллар) сотилган. Буларнинг нархи унинг малакасига боғлиқ бўлмаган. Агар ўша пайтларда одамларни инсон капитали, деб аталадиган бўлса, кейинчалик одамни сотиш тўхтатилди. Бу билан инсон капитали бозорига ҳам барҳам берилди. Энди инсоннинг сотилиши тўхтатилгандан кейин уни капитал, деб аташ ҳам шубҳали. Шу туфайли энг тўғри талқин бизнинг фикримизча “инсон салоҳияти” тушунчасидир.

Хулоса қилиб, шуни таъкидлаш жоизки, биринчидан, “инсон капитали” “Инсон салоҳияти”ни тўлиқ ифода этмайди. Инсон капитали ўрнига “инсон салоҳияти” иборасини ишлатиш тўғри бўлади.

Иккинчидан, ҳар бир инсон ўзи фаолят кўрсатиши жараёнида бирор нарса яратади, иш бажаради ва хизмат кўрсатади. Бунда инсоннинг сотилиши рўй бермайди, балки салоҳиятини ишлатиб, ўзини сафарбар қилади. Бунда инсон ўзини сотмайди, балки фаолят кўрсатади, холос.

Учинчидан, ҳар бир инсоннинг салоҳияти турли бўлганлиги туфайли уларнинг яратган маҳсулотлари, бажарган ишлари ва кўрсатган

⁴⁹ Маркс, Карл. Ишчи кучини сотиб олиш ва сотиш: 6-боб. Марксизм.орг

⁵⁰ Смит, Адам (1776). Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисида сўров. Муаллифлик ҳуқуқи 2007 МетаЛибре.

⁵¹ Ўша жойда.

хизматларининг даражаси ҳам турли. Шу туфайли инсон салоҳиятининг натижадорлиги ҳам турли бўлади. Шунга қараб у иш берувчидан иш ҳақи олади. Иш ҳақи ишчининг қиймати эмас, балки бажарган иши учун бериладиган иш ҳақи ҳисобланади.

Тўртинчидан, ҳозирги пайтда таълимга қўйилган инвестицияни “инсон капитали”га қўйилган сармоя, деб атамоқдалар. Бу инсон капиталига эмас, балки инсон салоҳиятининг ошиб боришига қўйилган сармоядир. Инсон салоҳияти қанчалик юқори бўлса, битта инсон бир вақтнинг ўзида салоҳиятсиз инсонга нисбатан жуда катта фойда келтириши, жуда кўп ва сифатли нарса яратиши мумкин. Бу “инсон капитали”, деб аталадиган қийматнинг миқдорига боғлиқ эмас.

Иқтисодиётнинг муҳим белгиларидан ва хусусиятларидан бири пул ишлаш йўли билан кўпроқ пул топишга қаратилган. Бирор нарсага эга бўлиш учун, бирор нарсани сарф қилишга тўғри келади. Кўпроқ даромад қиламан дейдиганлар кўпроқ сарфлашга ҳам тўғри келади. Сарфланган маблағлар кўпроқ самара бериши учун ишчиларга бериладиган маблағлар фақат иш ҳақи бўлиб қолмасдан, иқтисодиётни ривожлантириш учун рағбатлантиришга қаратилган ҳам бўлиши лозим. Бу жараён ўз навбатида бизнесни бошқариш соҳасини ҳам ривожлантиришга олиб келади. Бунда “инсон капитали” билан бирга “инсон ресурслари”ни бошқаришни кенгайтириш лозимлигини ҳам тақозо қилади. Инсон ресурслари назарияси инсон капиталидан фарқли ўлароқ у бошқариладиган субъектлар бўлиб ҳисобланади. Бироқ, бу ресурс салоҳияти нуқтаи назаридан ҳар хил бўлиши мумкин. Буни ҳам инсон капитали ёки инсон салоҳиятига тенглаштириб бўлмайди.

Инсон ресурсларига жамиятда мавжуд бўлган меҳнатга қобилиятли аҳолини киритиш мумкин. Корхона нуқтаи назаридан, унда банд бўлган ишчи ходимлар кирилади. Буларнинг ҳар бири турли салоҳиятга эга бўлиши ҳам табиий. Лекин мақсади нуқтаи назаридан ҳаммасининг истаги даромад олишга қаратилган. Бунга эришиш учун ишчилар ҳақиқатан ҳам ўзларининг онгли қобилиятини ва таналарини (қўл аёқларини) ишлатишга тўғри келади. Аммо уларда бирор ишни бажариш қобилияти ҳажм, вақт ва сифати нуқтаи назаридан турлича, улар бир хил эмас. Бунинг даражаси ҳар бир инсоннинг илмий ва малакавий салоҳиятига боғлиқ.

Инсон салоҳияти шартнома асосида ишлатилади. Бунинг учун ишчилар меъёр даражасидаги иш ҳақини мўлжалласа, иш берувчилар эса бу жараёндан соф фойда олишларини мақсад қилиб оладилар. Бошқача қилиб айтганда, ишчилар ўзларининг меҳнат салоҳиятини, яъни иш кучини сақлаб қолган ҳолда ақлий ва жисмоний меҳнатини сарф қиладилар. Бу ишнинг натижаси юқори даражада бўлиши учун самарали ишлашлари керак бўлади. Бунинг учун эса, унинг салоҳияти юқори бўлишлигини тақозо қилади. Иш берувчининг иш ҳақига тўлаган харажатлари уларнинг даромаддан ошиб кетмаслиги лозим. Агар тескариси бўлса, инсон капиталини ишлатиш

муваффақиятсиз тугайди. Бу албатта барқарор тараққиёт ва самарадорликни таъминлаш имконини бермайди.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда инсон салоҳияти ўзига хос тушунча бўлиб, инсон капитали, ишчи кучи, интеллектуал капитал, инсон ресурслари, маданий капитал, ижтимоий капитал тушунчаларидан фарқ қилади.

Биринчидан, инсон салоҳиятини оддий иш кучи билан қиёслайдиган бўлсак, ҳозирги пайтларда вақтинча ишсизлар ҳам бор. Булар ўз вақтларини бекор ўтказмасликлари учун вақтинча бирор кишига мардикор бўлиб ишлашни афзал кўрадилар. Шу йўл билан улар кунлик даромадга эга бўладилар. Бундай кишилар ўзларининг иш кучини сотмайди, балки белгиланган меҳнатни қилиб, ишини бажариб беради.

Иккинчидан, ушбу жараёнда улар иш берувчилар билан маош эвазига ўз малакаларини ишга солиш учун ўзаро манфаатли бўлган вақтинчалик шартномалар тузадилар. Иш берувчи ходимларнинг ишидан фойдаланган ҳолда маҳсулот яратадилар. Айнан шу маҳсулот сотилиши мумкин. Худди шу тарзда фермерлар ҳам, бошқа тадбиркорлар ҳам ҳосилини сотадилар. Бу сотишда инсон салоҳияти сотилмайди, агар у капитал бўлганда сотилиши мумкин бўлар эди.

Учинчидан, бир нарсани эътиборга олиш мумкинки, инсон фақат кулдорлик даврида сотилган. У фақат меҳнаткаш сифатида инсон капитали, деб баҳоланиши ҳам мумкин бўлган. Чунки улар инсонлар мулкига айланган. Уларни ким солиб олса, ўшанинг мулки бўлган ва унга хизмат қилган. Бугунги кунга келиб, инсон капитали деган тушунчани ишлатиш назарий жиҳатдан унинг мазмунини тўлиқ ифода этмайди. Шу туфайли инсон салоҳияти тушунчасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил 25 январь. 19-сон. 1-4 бетлар.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига 2022 йил 20 декабрдаги Мурожаатномаси. // <https://president.uz/uz/lists/view/5774>

3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. 3-том. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 432 бет.

4. Ёқубов О. Кўхна дунё. Роман. – Т.: “Ғофур Ғулом нашриёти”, 2004.

5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. 2-том. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 316 бет.

6. Маркс, Карл. Ишчи кучини сотиб олиш ва сотиш: 6-боб. Мархисц.орг

7. Смит, Адам (1776). Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисида сўров. Муаллифлик ҳуқуқи 2007 МетаЛибре.

Холиқулов Анвар Нематович – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, “Иқтисодий таҳлил ва статистика” кафедраси мудири, и.ф.н., доцент

САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНING СЕРВИС ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИРИ

Аннотация: мақолада саноат ишлаб чиқаришининг сервис фаолиятига таъсири ва сервис хизмати ва фаолияти ривожланишининг таркибий босқичлари кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: хизмат, хизмат кўрсатиш, замонавий турдаги хизматлар, саноат маданияти.

Аннотация: в статье показано влияние промышленного производства на сервисную деятельность и структурные этапы развития сервисной службы и деятельности.

Ключевые слова: сервис, оказание услуг, современный вид услуг, производственная культура.

Abstract: the article shows the impact of industrial production on service activities and the structural stages of development of the service and activities.

Key words: service, provision of services, modern type of services, industrial culture.

Замонавий турдаги хизматлар саноат маданиятини шакллантирган Ғарбий Европа мамлакатларида пайдо бўлди. Хусусий мулкнинг ҳуқуқий мустақамлиши ва ривожланишига асосланган ишлаб чиқариш воситаларга эга бўлишлик, етук товар-пул шаклидаги капиталистик муносабатлар саноат маданияти доирасида ривожланаётган жамият учун хосдир.

Бу саноат инқилобга, яъни қўл меҳнатининг оилавий саноат ишлаб чиқариши билан алмашинишига олиб келади. Бундай ишлаб чиқаришининг энг муҳим қисми-инсоннинг оғир жисмоний меҳнати секин-аста машиналар иши билан алмаштириладиган кўпи ўзаро боғланган ишлаб чиқариши тузилмаларини бирлаштирувчи йирик машиналашган саноатдир. Бу йирик ишлаб чиқариш тузилмаларининг йўлга қўйилиши улардаги турли касб ва малакага эга бўлган ишчиларнинг концентрацияси натижасида мумкин бўлади. Улар бирлашган ҳолда товарларни ягона нусха асосида яратишади ва бунинг натижасида улкан ҳажмларга ҳамда аввал кўрилмаган даражада маҳсулот ишлаб чиқариш тезлигига эришилади.

Саноат ишлаб чиқаришининг муракаб тузилиши ресурсларнинг турли хўжалик тармоқлари ўртасида қайта тақсимланишини кучайтиради. Бу эса

М У Н Д А Р И Ж А :

I ШЎЪБА. ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШНИНГ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ		
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Ботир Рахматуллаевич Пардаев	Диверсификациянинг таърифи, турлари, кўрсаткичлари ва уларни аниқлашнинг назарий масалалари	4
Аминов Зариф Юсупович	Корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигига оид атамаларнинг мазмуни	11
Мияссаров Даврон Абдурашид ўғли	Хизмат кўрсатиш соҳасида инвестиция атамасининг назарий жиҳатлари	14
Хилола Нематовна Очилова	Олий таълимда таълим хизматларини ривожлантиришда амалиёт билан назарияни уйғунлаштириш имкониятлари	16
Холиқулов Анвар Нематович	Қадимги дунё жамиятларида хизмат кўрсатишнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши	23
А.Азизқулов А.Алимов	Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда аждодларимиз меросининг ўрни	27
Аминов Зариф Юсупович	Иқтисодий хавфсизлик билан боғлиқ тушунчаларнинг моҳияти	30
II ШЎЪБА. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА РИВОЖЛАНТИРИШ, КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ, АҲОЛИ БАНДЛИГИ, ФАРОВОНЛИГИ, ЯШАШ СИФАТИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ		
Жогова Е.В.	Концептуальные основы бедности в узбекистане	34
Ш.Олтаев	Янги ўзбекистон шароитида, мамлакат тараққиёти йўлида аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш масалалари	36
Юлдашова Н	Агросервис соҳасида рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши ва аҳамияти	39
Tirkashev Вахром Iyos o`g`li	Klasterlar mexanizmini tashkil qilishda jahon tajribalari va uning mamlakat iqtisodiyotidagi o`rni va ahamiyati	43

Равшанова У. Р, Шодиева Г. М	Қишлоқ хўжалиги аҳоли турмуш даражасини ошириш йўллари ва аҳоли бандлигини ошириш	49
Хайитов Жамшид Холвоевич, Норкулова Дилфуза Зохитовна	Ободонлаштириш хизматларини иқтисодиётнинг ривожланишига таъсири	53
Дилманов Қудратжон Бахтиёрович	Инсон салоҳиятининг ўзига хос хусусиятлари	58
Холиқулов Анвар Нематович	Саноат ишлаб чиқаришининг сервис фаолиятига таъсири	65
III ШЎҒБА. МАМЛАКАТИМИЗДА РАҚАМЛИ ҲАМДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ОРҚАЛИ ХАЛҚАРО ВА ИЧКИ ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ		
Ziyodilloeva Farakhnoz Narzilloevna	Development of ecotourism in Uzbekistan	70
Тухлиев Искандар Суюнович	Туризм соҳасини рақамлаштиришда геоахборот тизимидан фойдаланиш хусусиятлари	73
Е.В.Тог‘аймурод ов	Qishloq hududlarida agroturizmni rivojlantirish mexanizmlarini yaxshilash yo‘llari	77
Джуракулова Сарвиноз	Основные направления обуздания бедности в Узбекистане на основе реализации концепции развития круглогодичного туризма	84
Норкулова Дилфуза Зохитовна	Туризм соҳасига фавқулудда вазиятларнинг таъсирини камайитиришда таълим	93
Бердикулова И.Р	Самарқанд вилоятида туризмни ривожлантириш истиқболлари	98
IV ШЎҒБА. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШДА МАРКЕТИНГ ВА МЕНЕЖМЕНТ ИМКОНИЯТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ		
О.У. Омонов, Ж.М. Гадаев	Принципы формирования местных бюджетов	105
Н.Х. Nosirov, Р. Karimjanova	Namangan viloyatida tekstil mahsulotlari Bozorini marketing tamoyillari asosida Rivojlantirish yo‘llari	108